

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

---

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 615.035.1:616.5:616.5-003.829.85*

**АЛИЕВ Сарвар Убайдуллаевич**

**ЙОД ТАНҚИСЛИГИ НАТИЖАСИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН  
КАСАЛЛИКЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ**

**15.00.01 – Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш**

**Фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим  
этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2010**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институтида бажарилган

**Илмий раҳбар:** фармацевтика фанлари доктори, профессор  
**Зайнутдинов Хикматилла Суннатович**

**Расмий оппонентлар:** фармацевтика фанлари доктори, профессор  
**Юнусова Холида Манноновна**

фармацевтика фанлари номзоди, доцент  
**Ибрагимова Мухаббат Яхяевна**

**Етакчи ташкилот:** “Дори-Дармон” Акционерлик компанияси

Ҳимоя 2010 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ да Тошкент фармацевтика институти хузуридаги Д 087.12.01-Ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлиб ўтади (100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 45-уй).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, фармацевтика фанлари  
доктори, профессор**

**М.А.Тожиев**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра дунёда 2 миллиардга яқин аҳоли йод танқислиги мавжуд ҳудудда яшайди. Бу ҳолатда эндемик бўқоқ, гипотиреоз, тиреотоксикоз, ақлий ва жисмоний орқада қолиш, кретинизм сингари касалликларнинг ривожланиш ҳавфи ортади. XX асрнинг охириги ўн йилликларида олиб борилган чора-тадбирлар йод етишмовчилигини енгиш йўлида катта ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Йод танқислиги касалликлари дунёдаги кўплаб давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб муаммодир. Ушбу касалликлар юзасидан келиб чиқадиган муаммоларни ечиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ЎзР ССВ) томонидан 30.09.2005 йилдаги 477 сонли ва унинг асосида Эндокринология илмий тадқиқот институтининг 24.11.2005 йилдаги 33 сонли буйруқлари қабул қилинган. Уларда 2005-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида йод танқислиги касалликларини олдини олиш ва касалланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида Давлат дастурини амалга ошириш тартиблари келтирилган. Бундан ташқари 2006 йил 27 декабрда Олий мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Йод танқислиги касалликларини олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, ушбу касалликларини олдини олиш чора-тадбирлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солинган. Одам организмнинг йодга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, ЎзР ҳудудида оммавий ва индивидуал олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Муаммони хал этишга аҳолининг йодланган тузга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш орқали эришиш кўзда тутилган. Лекин йодга нисбатан кундалик эҳтиёж ёшга, физиологик ҳолатга (ҳомиладорлик, эмизиш), атроф-муҳитнинг таъсирига боғлиқ бўлади. Бўқоқ ривожланиши хавфи юқори бўлган гуруҳлар – болалар, ўсмирлар, туғруқ ёшидаги, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда гуруҳдаги ва индивидуал йодлаш каби олдини олиш чора-тадбири амалга оширилиши зарур.

Дори воситалари нархларининг доимий ошиши, улар ассортиментининг кенгайиб бориши ва бюджет маблағларининг чекланганлиги шароитида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ўта долзарб муаммодир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли ўртасида йод танқислиги касалликлари ривожланиш хавфининг тиббий-ижтимоий омилларини ўрганиш, эндемик бўқоқнинг касалланиш даражаси ва тарқалишини аниқлаш, ҳамда уни олдини олиш ва даволаш йўллари излаш билан Ё.Х.Турақулов, Р.К.Исломбеков, С.И.Исмоилов ва бошқалар шуғулланишган.

Турли гуруҳларга оид дори воситаларидан оқилона фойдаланишга оид фармокоиктисодий тадқиқотларни Х.С.Зайнутдинов, А.М.Тўхтаева, Г.А.Султонова ва бошқалар олиб боришган. Шу билан бирга, ушбу диссертацион ишни илк маротаба йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланишга бағишланган, тугалланган илмий тадқиқот деб ҳисоблаш мумкин.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент фармацевтика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилди (рўйхатга олиш тартиб рақами №01910000746).

**Тадқиқот мақсади.** Фармокоиктисодий тадқиқотлар асосида йод танқислиги касалликларни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

- йод танқислиги касалликларини олдини олиш ва даволаш ҳақида замонавий тасаввурлар келтирилган, дунёда, жумладан Ўзбекистонда фармокоиктисодиётнинг ривожланиш тенденцияларини ўзида акс эттирган маҳаллий ва мавжуд чет эл адабиётлар манбаларини ўрганиш ва умумлаштириш;

- йод танқислиги касалликлари тарқалганлиги ва касалланиш даражаси динамикасини ўрганиш;

- контент-таҳлил ёрдамида йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари ассортиментини таҳлил қилиш;

- ABC/VEN-таҳлилдан фойдаланиб, даволаш-профилактика муассасасида йод танқислиги касалликларига чалинган беморлар учун дори воситалари харид тизимини ўрганиш ва баҳолаш;

- АТС/DDD-услугияга мувофиқ йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари истеъмолини таҳлил қилиш;

- “Касаллик қиймати” усулида даволаш-профилактика муассасасида йод танқислиги касаллигига чалинган бир беморга сарфланадиган бевосита харажатларни таҳлил қилиш;

- “Қиймат минимизацияси” ва “Харажатлар самарадорлиги” таҳлилларидан фойдаланиб, йод танқислиги касалликлари даволаш усулларини фармокоиктисодий баҳолаш;

- фармокоиктисодий тадқиқотлар асосида йод танқислиги касалликларни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий эндокринология Маркази (ЎзР ССВ РИИАТЭМ), ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасидаги касаллик варақалари,

шифоҳона дорихонаси фаолиятига оид ҳужжатлар, Тошкент шаҳридаги дорихона муассасалари бухгалтерия материаллари, Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат реестри ва оператив-статистик ҳисобот маълумотлари олинди. Тадқиқот предмети эса – маркетинг ва фармакоиктисодий усуллар, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш соҳасида мавжуд Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонун ости ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг идоравий материалларидир.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот жараёнида ABC/VEN-таҳлил, DDD-таҳлил, “Касаллик қиймати”, “Қиймат минимизацияси” ва “Ҳаражатлар самарадорлиги” усуллари каби фармакоиктисодий усуллари билан, сўров, индивидуал анкеталаштириш, мутахассис сўрови ва контент-таҳлил сингари маркетинг ва ижтимоий усуллар мажмуасидан фойдаланилди.

Статистик, аналитик ва бошқа шу каби маълумотларни Microsoft Word/Excel 2003 программасидан фойдаланиб, Windows муҳитида тайёрланди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- Ўзбекистон аҳолиси орасида йод танқислиги касалликлари тарқалганлиги ва касалланиш даражаси динамикасини 2003-2009 йилларда ўрганиш натижалари;

- йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари ассортиментини контент-таҳлил қилиш натижалари;

- даволаш-профилактика муассасасида йод танқислиги касалликларига чалинган беморлар учун дори воситалари харид тизимини ABC/VEN-таҳлили натижалари;

- йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари истеъмолини АТС/DDD-услугиятга мувофиқ таҳлил қилиш натижалари;

- даволаш-профилактика муассасасида йод танқислиги касаллигига чалинган бир беморга сарфланадиган бевосита ҳаражатларни “Касаллик қиймати” усулида таҳлил қилиш натижалари;

- йод танқислиги касалликлари даволаш усуллари “Қиймат минимизацияси” ва “Ҳаражатлар самарадорлиги” таҳлилларидан фойдаланиб фармакоиктисодий баҳолаш натижалари;

- фармакоиктисодий тадқиқотлар асосида йод танқислиги касалликларни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган тавсиялар.

**Илмий янгилиги.** Биринчи марта даволаш профилактика муассасаси шароитида “Қиймат минимизацияси” ва “Ҳаражатлар самарадорлиги” таҳлиллари ёрдамида йод танқислиги касалликларида дори воситаларини оқилона қўллаш асосланди ва фармакоиктисодий тадқиқотлар ўтказилди. Ҳаражатларни камайитиришга йўналтирилган тадбирларга иқтисодий баҳо берилди ва маблағлардан оқилона фойдаланиш имкониятлари кўрсатилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Қалқонсимон без касалликлари тарқалганлиги ва касалланиш даражаси динамикада таҳлил қилиш орқали Ўзбекистон Республикасида йод танқислиги касалликлари бўйича тиббий-ижтимоий ҳолат тавсифланди. Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ва самарали формулярлар яратишда мақсадида ABC/VEN-таҳлил амалиётда қўлланилди ва бу услубиятнинг аҳамиятига оид услубий кўрсатма ўқув жараёнига тадбиқ этилди. Биринчи маротаба ҳар хил дозадаги, турли дори шаклига эга ва турлича қадоқланган бир АТС кодига мансуб дори воситаларининг DDD-таҳлили ўтказилди.

Даволаш усуллариининг фармакоиктисодий таҳлили натижасида таъминот сифатини яхшилашга олиб келувчи, дори воситасининг клиник ва иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланишини таъминловчи услубларни қўллаш амалиётга тавсия этилди.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Йод танқислигида қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш усун услубий тавсиялар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ЎзР ССВ қошидаги Дори воситалари ва тиббий буюмлар сийсати Маркази ва РИИАТЭМ шифохонасига тақдим этилди. Тадқиқот натижалари “FLORA-MED” маъсулияти чекланган жамият дорихонаси иш фаолиятида (далолатнома 15 апрел 2010 йил) фойдаланилмоқда. Тадқиқотнинг асосий натижалари Тошкент фармацевтика институти фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедрасида маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар олиб бориш жараёнларига тадбиқ этилган (далолатнома 20 октябр 2009 йил).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация ишининг асосий натижалари куйидаги анжуманларда муҳокама қилинган: “Фармацияда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари”га бағишланган илмий-амалий анжуманларда (Тошкент, 2008-2009 йиллар); Тошкент фармацевтика институти фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси кенгайтирилган мажлисида (2010 йил, 21 апрел 15–сон мажлис баёни); Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги Д 087.12.01-Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинарда (2010 йил 4 май 8–сон мажлис баёни).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Ишнинг асосий мазмуни 14 та публикацияларда, яъни 4 та илмий мақола, 9 та тезислар ва 1 та ўқув-услубий кўрсатмаларда ёритилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. У 114 бет компьютер матни кўринишида ёзилган, 29 та жадвал ва 21 та расм мавжуд. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 118 та манбаларни ўз ичига олади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида танланган диссертация мавзусига асосланиб, ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари ёритилган, тадқиқот объекти, предмети

ва усуллари тасвирланган, химояга олиб чиқиладиган асосий натижалар ифода этилган.

**Биринчи бобда** йод танқислиги касалликларини даволаш, ташхис қўйиш ва таснифлаш бўйича маҳаллий ва мавжуд чет эл манбалари таҳлил қилинган ва умумлаштирилган. Шунингдек дори воситаларидан оқилона фойдаланишда фармакоиктисодиётнинг аҳамияти очиб берилган.


**Иккинчи бобда** фармакоиктисодий изланишлар ўтказиш услубиятининг ўзига хос томонлари келтирилган. Тадқиқот базаси, объекти ва предмети, ABC/VEN-таҳлил ва АТС/DDD-услубиятнинг хусусиятлари, ва “Касаллик қиймати”, “Қиймат минимизацияси” ва “Ҳаражатлар самарадорлиги” каби фармакоиктисодий таҳлилларни бажариш услубияти келтирилган.

**Учинчи бобда** Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида эндокрин касалликларнинг тарқалиши ва касаллик даражасини таҳлил қилишга бағишланган. Эндокрин касалликлар тизимида қалқонсимон без касалликлари 1-ўринда, 2-ўринда қандли диабет, 3-ўринда гипоталамо-гипофизар тизим патологияси, 4- ўринда жинсий безлар касалликлари ва бошқалар туради. Қалқонсимон без касалликлари барча эндокрин касалликлар умумий сонининг 65%ини ташкил этади. Агар 1-даражали эндемик бўқоқни (маълум бўлганлар сони 1 845,0 дан 2 073,3 га кўпайган) ҳисобга олинмаса, қалқонсимон без касалликлари тарқалиш даражаси 2003 йилдан 2009 йилгача Ўзбекистон Республикаси бўйича 100 000 аҳолига нисбатан 1 371,2 дан 1 084,5 га камайган. Шулардан 2-даражадаги эндемик бўқоқ тарқалиши 1 229,0 дан 921,1 га камайган. (1-расм).



1-расм. ЎзРси бўйича эндокрин касалликларнинг тарқалиши


Тиреотоксикоз ташхиси билан диспансер рўйхатига олинган беморлар сони шу йилларда 100 000 аҳолига нисбатан 40,8 дан 65,9 га ошган. 2003-2009 йилларда гипотиреоз ташхиси билан диспансер рўйхатига олинган беморлар сони 100 000 аҳолига нисбатан 27,7 дан 35,9 га, тиреоидитлар эса 17,1 дан 23,0 га ошган. Бу даврда нотоксик бўқоқнинг бошқа шакллари (аралаш, тугунли, кўп тугунли) билан касалланган беморлар сони 100 000 аҳолига нисбатан 51,2 дан 36,9 га, қалқонсимон безнинг бошқа касалликлари (қалқонсимон без саратони) сони эса 3,7 дан 1,0 га камайган (2-расм).




2-расм. ЎзРси бўйича қалқонсимон без касалликларнинг тарқалиши

Хозирги вақтда йод танқислиги касалликларини олдини олиш ва профилактика қилишда қўлланиладиган дори воситалари ассортимент кенглиги 66 та савдо номидаги ассортимент бирликларида намоён бўлади. Улардан 67% и чет эл давлатларида ишлаб чиқарилади, 21 % и Бирлашган миллатлар хамдўстлиги давлатларида ишлаб чиқарилади ва 12% маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатга олинган.

Бу ассортиментни фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича таҳлил қилиш натижасида: унинг 42% ини (28 та савдо номдаги) “Витаминлар” гуруҳи, 32% ини (21 та) “Йод препаратлари” гуруҳи, 17% ини (11 та) “Қалқонсимон без гормонлари ва улар аналоглари” гуруҳи, 9% ини (6 та) “Антитиреоид воситалар” гуруҳи ташкил этиши аниқланди (3-расм).



**3-расм. 2009 йилда рўйхатдан ўтган дори воситалар ассортиментини фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича таҳлили**



**4-расм. 2009 йилда рўйхатдан ўтган дори воситалар ассортиментини ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлили**

Ишлаб чиқарувчилар орасида 1-ўринда бутун ассортиментнинг 26% ини ташкил этувчи АҚШ корхоналари туради. АҚШ нинг Unipharm Inc. компанияси 11 та савдо номдаги (ассортиментнинг 16,7% ташкил қилувчи), Sigmel Inc. компанияси 6 та савдо номдаги (9,1%) ва World Medicine


компанияси 1 та савдо номдаги (1,5%) йод танқислигида қўлланиладиган дори воситаларини рўйхатга олишган. Дори воситаларининг савдо номи бўйича 2-ўринда Австрия давлати (16%) туради. (4-расм).

Украиналик ва маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари бутун ассортиментнинг хар бири учун 11% идан улушини ташкил этади. маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сифатида «Узхимфарм» (40%), «Универсал фарм» (20%), «SAMO» кичик корхонаси (20%) ва «Nika pharm» ташкилотларини (20%) келтириш мумкин.


2007 йилда ЎзР ССВ РИИАТЭ шифохонаси дорихонасидаги ҳаражатлар қиймати 128 455 651 сўмга тенг бўлди, ундан дори воситалари учун 85 661 550 сўм сарфланди (умумий ҳаражатларнинг 67,6% и). 2008 йилда ҳаражатлар 12,8%га ошди ва 144 883 000 сўмни ташкил этди. Улардан дори воситаларга 78 815 660 сўм, яъни умумий ҳаражатларнинг 54,4%и сарфланди. Улар асосида тузилган рўйхатдан ABC/VEN-таҳлили учун фойдаланилди.

Таҳлил қилинган дори воситалар рўйхатида 246,5 минг ўрамдаги 247 савдо номига эга дори воситалари мавжуд. 247 авдо номидаги дор воситалари рўйхатидан 152 та халқаро петантланмаган номга эга дори воситалари ҳисобланилиб, А, В ва С гуруҳларга ажратилди.


ABC/VEN-таҳлил услубиятига мувофиқ ўтказилган тадқиқотлар натижалари 5- ва 6-расмларда келтирилган. А гуруҳига кирувчи дори воситаларига 2007 йилда 64 059 937 сўм, В гуруҳига 13 200 285 сўм ва С гуруҳига 8 401 328 сўм сарфланган. А гуруҳига кирувчи дори воситаларига 2008 йилда 58 940 402 сўм, В гуруҳига 12 145 346 сўм ва С гуруҳига 7 729 912 сўм сарфланган.



5-расм. ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида 2007 йилда дори воситаларининг ABC/VEN-таҳлили




6-расм. ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида 2008 йилда дори воситаларининг ABC/VEN–таҳлили



7-расм. “Йод препаратлари” гуруҳи ДВлари истеъмолнинг динамикаси

Дори воситаларининг солиштирма ABC/VEN–таҳлили натижасида 42 та савдо номдаги V гуруҳига кирган дори воситаларининг 52,4% ини А гуруҳи, 38% ини В гуруҳи ва 9,6% ини С гуруҳи ташкил этиши аниқланди. E гуруҳида 109 савдо номидаги дори воситалари бўлиб, уларнинг 22% ини А гуруҳи, 39,5% ини В гуруҳи ва 38,5% ини С гуруҳи ташкил этади. N гуруҳида

96 савдо номидаги дори воситалари бўлиб, уларнинг 6,2% ини А гуруҳи, 16,7% ини В гуруҳи ва 77,1% ини С гуруҳи ташкил этади.



8-расм. “Қалқонсимон без гормонлари” ва “Анти-тиреоид воситалар” гуруҳлари ДВлари истеъмолнинг динамикаси

“Йод препаратлари” гуруҳига кирувчи дори воситалардан оқилона фойдаланмаслик натижасида 2004-2008 йилларда уларнинг истеъмоли кўрсаткичи 1 суткада 1 000 аҳолига нисбатан 11,43 DDD дан 6,95 DDD га камайган (7-расм).

2004-2007 йилларда “Қалқонсимон без гормонлари” гуруҳидаги дори воситалари истеъмоли кўрсаткичи 1 суткада 1 000 аҳолига нисбатан 0,58 DDD дан 1,05 DDD га кўтарилган. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 1 суткада 1 000 аҳолига нисбатан 0,99 DDD ни ташкил этган. “Антитиреоид воситалар” гуруҳидаги дори воситалари истеъмоли кўрсаткичи динамикаси беш йил давомида деярли ўзгармаган (8-расм).

**Тўртинчи бобда** “Касаллик қиймати” таҳлили, “Қиймат минимизацияси” таҳлили, “Ҳаражатлар самарадорлиги” таҳлили каби фармакоиқтисодий таҳлил усуллари натижалари келтирилган.

ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида 2007-2009 йилларда диффуз токсик бўқоқ, туғма ва спонтан гипотиреоз, аутоиммун тиреоидит ва диффуз нотоксик бўқоқ ташхиси билан даволанган 180 та беморлар касаллик варақалари ретроспектив равишда ўрганилди. Танланма ташкил этиш усули белгиланган ҳажмдаги уяли танланмалар шакллантириш билан ихтиёрий равишда танланди.

Тадқиқотда иштирок этган ва ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида 2007-2009 йилларда даволанган беморлар касаллик варақаларидан олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Эркаklar ва аёллар нисбати 1:5, яъни

17,46% эркаклар : 82,54% аёллар. болаларнинг ўртача ёши 12,2 ёшни, катталарники эса 44,5 ёшни ташкил этди. Беморларнинг койкаларни ўртача банд қилиш муддати қуйидагича: болалар эндокринологияси бўлимида 11,2 кун, эндокрин безлар хирургиясида 9,5 кун, нейроэндокринологияда 11,2 кун, қалқонсимон без касалликлари бўлимида 16,3 кун и нуклеар тиббиёт бўлимида 13,6 кун.

Ташхис қўйиш ва касалликни мониторинг қилиш, шифохона дорихонасида дори воситаларини тайёрлаш ва физиотерапевтик жараёнлар каби тиббий хизматлар қиймати ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонаси томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар прејскурантидан олинди.

1-жадвал

**ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида 2007-2009 йилларда даволанган беморлар касаллик варақаларидан олинган маълумотлар**

Бўлимлар номи	Жинси, %		Ўратча ёши, ёш	Беморларнинг койкаларни ўртача банд қилиш муддати, кун
	Аёл	Эркак		
Болалар эндокринологияси	73,9	26,1	12,2	11,2
Эндокрин безлар хирургияси	81,8	18,2	38,6	9,5
Нейроэндокринология	80,6	19,4	47,0	11,2
Қалқонсимон без касалликлари	88,9	11,1	47,4	16,3
Нуклеар тиббиёт	87,5	12,5	44,9	13,6
Ўртача:	82,54	17,46	38,02	11,8

Ўрганилган касаллик варақаларининг “Касаллик қиймати” таҳлили кўрсатдики, уч йил давомида диффуз токсик бўқоқ ташхиси билан консерватив даволанган (КД ДТБ) барча беморларни касаллик қиймати 12 318 676 сўмга тенг бўлиб, у йод танқислиги касалликларини даволашда сарфланган умумий бевосита ҳаражатларнинг 14,71% ини ташкил этди. Бу касалликни хирургик даволаш (ХД ДТБ) учун 18 371 098 сўм (21,94%), радиоактив йод терапиясига (РЙТ ДТБ) эса 13 414 029 сўм (16,02%) сарфланган.

Аутоиммун тиреоидит ташхиси билан консерватив усулда даволанган (КД АИТ) беморларга сарфланган бевосита ҳаражатлар 10 936 500 сўмни (13,06%), болаларда туғма гипотиреоз (КД ТГ) учун 13 958 500 сўмни (16,67%), катталарда спонтан гипотиреоз (КД СГ) учун 13 878 307 сўмни (16,58%) ва диффуз нотоксик бўқоқ (КД ДНБ) учун 850 998 сўмни (1,02%) ташкил этган. Барча йод танқислиги касалликларини даволашга сарфланган бевосита ҳаражатлар қиймати уч йилга 83 728 108 сўмни ташкил этган (2-жадвал).

Касаллик варақаларини таҳлил қилиш асосида маълум бўлдики, уч йилда шифохонанинг умумий палата койкасида даволаш ҳаражатларига

(ШДХ) 56 146 884 сўм сарфланган ва бу бевосита умумий ҳаражатларнинг 67,06% ини ташкил этган.

2-жадвал

**ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида уч йилда йод танқислиги касалликларини даволашга сарфланган бевосита ҳаражатлар, сўмда**

Даволаш усуллари	Бевосита ҳаражатлар				Жами
	ТМХ	ШДХ	ДВХ	ҚХ	
КД ДТБ	1 862 057	8 260 730	1 698 938	496 952	12 318 676
ХД ДТБ	2 776 924	12 319 398	2 533 661	741 114	18 371 098
РЙТ ДТБ	2 027 628	8 995 258	1 850 004	541 139	13 414 029
КД АИТ	1 653 131	7 333 862	1 508 314	441 193	10 936 500
болаларда КД ТГ	2 109 928	9 360 373	1 925 095	563 104	13 958 500
катталарда КД СГ	2 097 807	9 306 596	1 914 035	559 869	13 878 307
КД ДНБ	128 635	570 667	117 366	34 330	850 998
Жами, сўмда:	12 656 109	56 146 884	11 547 413	3 377 701	83 728 108
Жами, % да:	15,12	67,06	13,79	4,03	100,00

Ташхис қўйиш ва касалликни мониторинг қилиш хизматларига (ТМХ) 12 656 109 сўм (15,12%), қўшимча хизматларга эса 3 377 701 сўм (4,03%) сарфланган. Таъкидлаш керакки, дори воситаларига (ДВ) ҳаражатлар 11 547 413 сўмни ташкил этган ва бу умумий ҳаражатларнинг фақат 13,79% инигина ташкил этади. Шундан 8 553 169 сўмни (74,07%) беморларнинг ўзи олиб келган, 2 994 244 сўми (25,93%) эса бюджет маблағларидан сарфланган.

Ҳаммаси бўлиб 2007 йилда ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида йод танқислиги касалликларини даволашга сарфланган бевосита ҳаражатлар қиймати 2 725 071,81 сўмни ташкил этди. бу қиймат 2008 йилда 3 339 556,25 сўмни ташкил этиб, 2007 йилга нисбатан 22,55% га ошди. 2009 йилда эса 3 819 781,25 сўмни ташкил этиб, 2008 йилга нисбатан 14,38% га ошди. (3-жадвал).

Ўрганилган барча касалликлар ичида диффуз токсик бўқоқни хирургик даволаш энг қиммат усул ҳисобланади. Уни радиоактив йод билан даволаш ва катталарда спонтан гипотиреозни консерватив даволаш усуллари ҳам нисбатан қиммат усуллар ҳисобланади.

Аутоиммун тиреоидитни ва болаларда туғма гипотиреозни консерватив даволаш усуллари учун нисбатан кам ҳаражат сарфланади. Энг кам ҳаражатли усул диффуз нотоксик бўқоқни консерватив даволаш усули эканлиги аниқланди. Бунинг сабаби, уни даволашда шифохона ҳаражатлари учун маблағлар сарфланмайди.

**ЎЗР ССВ РИИАТЭМ шифохонасида бир беморни даволашга сарфланган бевосита харажатлар**

Даволаш усуллари	Бевосита харажатлар қиймати, сўм				
	2007 й.	2008 й.	%	2009 й.	%
КД ДТБ	410 300,35	534 949,23	30,38	594 584,96	11,15
ХД ДТБ	623 480,50	783 371,52	25,64	889 535,17	13,55
РЙТ ДТБ	456 063,79	558 668,10	22,50	662 021,72	18,50
КД АИТ	384 040,71	441 761,12	15,03	541 260,63	22,52
болаларда КД ТГ	317 017,28	396 817,05	25,17	449 374,01	13,24
катталарда КД СГ	503 294,42	589 104,23	17,05	642 389,71	9,05
КД ДНБ	30 874,75	34 885,00	12,99	40 615,05	16,43
<b>Жами:</b>	<b>2 725 071,81</b>	<b>3 339 556,25</b>	<b>22,55</b>	<b>3 819 781,25</b>	<b>14,38</b>

“Харажатлар минимизацияси” усулида фармакоиктисодий таҳлил учун туғма гипотиреоз фонида 2-даражали эндемик бўқоқ ташхиси билан шифохонада даволанган беморлар касаллик варақалари танлаб олинди. Самарадорлик 6 ойлик монотерапиядан сўнг баҳоланди.

**Туғма гипотиреоз фонида 2-даражали эндемик бўқоқли беморларни даволашнинг “Харажатлар минимизацияси” таҳлили натижалари (2009 йил учун сўмда)**

Бевосита харажатлар				1-даволаш усули L-Тироксин	2- даволаш усули Йодтирокс
<b>Касаллик қиймати (DC), жами</b>				<b>439 312</b>	<b>446 195</b>
Лаборатор-диагностика жараёнларига				64 650	64 650
Даволаш ва шифохонада ётиш хизматларига				268 285	268 285
Қўшимча процедураларга				58 000	58 000
<b>Жами:</b>				<b>390 935</b>	<b>390 935</b>
Дори	асосий	касалликни		5 927	12 810
воситалари	даволашга	асосий	касаллик асо-	34 100	34 100
	ратини даволашга	ёшдош касаллик-ларни		8 350	8 350
	даволашга				
<b>Жами:</b>				<b>48 377</b>	<b>55 260</b>
<b>Харажатлар фарқи, СМА=DC1-DC2</b>					<b>6 883</b>

Самарадорлик мезонлари сифатида тиреотроп гормон қондаги миқдорининг 4,05мМЕ/л гача ва ундан пасайиши, шунингдек ижобий натижа олинган беморлар сон кўрсаткичлари олинди. Ижобий натижа деб, тиреотроп гормон қондаги миқдорининг 4,05мМЕ/л гача ва ундан пасайиши қабул қилинди.

Фармакоиқтисодий ҳисоб-китоблар учун ушбу таҳлилда фақат бевосита ҳаражатлар, яъни ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларига, шифохонада даволанишга, овқатланиш ва дори воситаларига сарфланган ҳаражатлар ҳисобланди. Ташхис қўйиш ва даволаш жараёнлари, шифохонада даволаниш ва овқатланиш учун сарфланган ҳаражатлар барча беморларда ўхшашлиги сабабли, бевосита ҳаражатлар орасидаги фарқ фақат дори воситаларининг нархларида келтирилиши мумкин.

Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган бўлиб, 2-даволаш усули қўлланилганда СМА (Cost Minimization Analysis) кўрсаткичи 6 883 сўмни ташкил этди.

Диффуз токсик бўқоқни даволашда қўлланиладиган уч хил даволаш усулининг “Ҳаражатлар самарадорлиги” таҳлили ўтказилди. Тиреостатиклар билан даволаш, радиоактив йод терапияси ва хирургик даволаш (тотал тиреоидэктомия) усуллари учун ҳаражатлар самарадорлиги коэффиценти ҳисобланди. Самарадорлик омили сифатида 5 йил ичида касаллик қайталланмаган беморлар сони олинди (5-жадвал).

5-жадвал

**Диффуз токсик бўқоқни “Ҳаражатлар самарадорлиги” усулида таҳлил қилишда самарадорлик омили**

Самарадорлик омили	Тиреостатиклар билан даволаш	Радиоактив йод (Na131I) терапияси	Хирургик даволаш (Тотал тиреоидэктомия)
5 йил давомида касалликнинг қайталланмаслиги	40-50%	80-95%	> 95%

Усулларда сарфланган бевосита ҳаражатлар қиймати 2009 йил учун аниқланган “Касаллик қиймати” таҳлилидан олинди: тиреостатиклар билан даволашга - 594 584,96 сўм, радиоактив йод терапиясига – 662 021,72 сўм ва хирургик даволашга – 889 535,17 сўм.

Ҳаражатлар самарадорлиги коэффиценти аниқлаш натижалари 6-жадвалда келтирилган бўлиб, энг яхши кўрсаткич радиоактив йод терапиясига тегишли ва 7 355,8 га тенг, хирургик даволаш усули коэффиценти ўртача – 9 363,5 га ва тиреостатиклар билан даволаш усули энг ёмон коэффицентга эгаллиги аниқланди - 11 891,7.

**Диффуз токсик бўқоқни “Ҳаражатлар самарадорлиги” усулида таҳлил қилиш натижалари**

Даволаш усуллари	Тиреостатик -лар билан даволаш	Радиоактив йод (Na131I) терапияси	Хирургик даво- лаш (Тотал тиреоидэктомия)
	1	2	3
Касаллик қиймати, сўм	594 584,96	662 021,72	889 535,17
Даволаш самарадорлиги, Ef	50%	90%	95%
Ҳаражатлар самарадор- лиги коэффиценти, CEA=DC/Ef	11 891,7	7 355,8	9 363,5
Ҳаражатлар самарадорлиги коэффицентининг интеграл кўрсаткичлари, iCEA			
iCEA(1,2) = (DC2-DC1) / (Ef2- Ef1)	1 685,9	-	-
iCEA(2,3) = (DC3-DC2) / (Ef3- Ef2)	-	45 502,7	-
iCEA(1,3) = (DC3-DC1) / (Ef3- Ef1)	-	6 554,5	-

Ҳаражатлар самарадорлигининг интеграл кўрсаткичи бир даволаш усулидан иккинчисига ўтиш зарур ҳолатларда клиник самарадорликни бир фоизга ўзгартириш учун қўшимча сарфланадиган ҳаражатлар миқдорини аниқлаш имконини беради. 6-жадвалдан кўриниб турибдики, тиреостатиклар билан даволаш усулидан радиоактив йод терапияси усулига ўтишда клиник самарадорликни бир фоизга ошириш учун қўшимча 1 685,9 сўм ҳаражат қилиш зарур.

### ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2003-2009 йилларда қалқонсимон без касалликларидан 2-даражали эндемик бўқоқнинг 100 000 аҳолига нисбатан касалланиш даражаси камайганлиги, 1-даражали эндемик бўқоқнинг, тиреотоксикоз, гипотиреоз ва тиреоидитларнинг кўпайганлиги аниқланди.
2. Контент-таҳлил натижасида, Ўзбекистон фармацевтика бозорида 66 ассортимент бирликдаги йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари мавжудлиги аниқланди. Ассортимент гуруҳининг янгиланиш индекси 0,61 бўлиб, бу гуруҳнинг кенгайиши ва янгиланиши юқори эканлигини билдиради.
3. ЎЗР ССВ РИИАТЭМ шифохона дорихонасида 2007-2008 йилларда дори воситалари харид тизимида солиштира ABC/VEN–таҳлили

- қўлланилиши натижасида 6 845 890 сўм бюджет маблағлари тежалганлиги кўрсатилди.
4. DDD-таҳлил натижасида “Йод препаратлари” гуруҳидаги дори воситаларининг истеъмол кўрсаткичи 2004-2008 йиллар учун 1 суткада 1 000 аҳолига 11,61 DDDга, “Қалқонсимон без гормонлари” учун 1,72 DDDга ва “Антитиреоид воситалар” учун эса 0,17 DDDга тенглиги аниқланди.
  5. “Касаллик қиймати” усулида диффуз токсик бўқоқ, аутоиммун тиреоидит, диффуз нотоксик бўқоқ, спонтан ва туғма гипотиреоз касалликларида шифохонада даволанган бир бемор учун бевосита ҳаражатлар қиймати аниқланди.
  6. “Қиймат минимизацияси” усулидан фойдаланиб ўтказилган фармакоиктисодий тадқиқот натижасида, Микройодид, L-тироксин ва Мерказолил дори воситаларининг Йодбаланс, Эутирокс, Йодтирокс ва Тирозол дори воситаларига нисбатан йод танқислиги касалликларини даволашда иқтисодий устунлиги аниқланди.
  7. Диффуз токсик бўқоқни уч хил даволаш усулларини солиштирма “Ҳаражатлар самарадорлиги” таҳлили ўтказилди. Радиоактив йод билан даволаш, консерватив ва хирургик даволаш усулларига нисбатан, оқилона усул эканлиги аниқланди.
  8. Дори воситаларидан оқилона фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўлажак мутахассисларга амалиётда дори воситаларидан оқилона фойдаланишга, шунингдек даволаш профилактика муассасаларидаги уларнинг истеъмолини харид қилиш, тақсимлаш ва қўллаш каби босқичларида назорат қилишга ёрдам беради.

### **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Эндемик бўқоқда қўлланиладиган йод сақловчи дори воситалари бозори таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2008. - №4. - Б. 4-9.
2. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. III-IV даражадаги диффуз токсик, диффуз нотоксик ва аралаш бўқоқ ташхислари бўлган беморлар сарф-ҳаражатларини таҳлил қилиш // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 185.
3. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Йод танқислигида қўлланиладиган дори воситалари таъминотида ABC/VEN-таҳлил усулини қўллаш // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2008. – Б.184.
4. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Эндокринология илмий текшириш институти клиник шифохона дорихонаси фаолиятини таҳлил қилиш // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2008. – Б.186.

5. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Йод танқислигида қўлланиладиган дори воситаларини «қиймат минимизацияси» усулида фармакоиктисодий таҳлил қилиш // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2008. – Б. 187.
6. Зайнутдинов Х.С., Султонова Г.А., Содикова Г.Э., Алиев С.У. 5-босқич талабалари учун “Фармацевтиканинг долзарб муаммолари” фанидан “Дори воситларидан оқилона фойдаланиш ва самарали формулярлар яратишда ABC/VEN-таҳлил услубиятининг аҳамияти” номли ўқув-услубий кўрсатма. – Тошкент, 2009. – 20 б.
7. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Эндокринология ИТИ шифохона дорихонаси фаолиятида ABC/VEN-таҳлил // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2009. - №2. - Б. 9-13.
8. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситалари DDD-таҳлили // Фармацевтика журнали. – Тошкент, 2009. - №3. - Б. 12-17.
9. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Йод танқислиги касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг 2004-2008 йиллардаги савдо ҳажмини таҳлил қилиш // Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси. – Тошкент, 2009. - №3. – Б. 14-19.
10. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Йод анқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситаларининг истеъмолини ўрганиш (DDD-таҳлил) // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 157.
11. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. Ўзбекистон Республикасида 2004-2008 йилларда йод препаратлари бозорининг таҳлили // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 158.
12. Алиев С.У., Зайнутдинов Х.С. “Қалқонсимон без гормонлари” фармакотерапевтик гуруҳидаги дори воситаларининг 2004-2008 йиллардаги бозори // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 159.
13. Алиев С.У. Антитиреоид воситалар: Антитиреоидные лекарственные средства: истеъмол ҳажми потенциали ва уни ривожлантириш имкониятлари // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 160.
14. Алиев С.У. Йод танқислигида касалликларда қўлланиладиган дори воситалари асосий истеъмолчилари учун анкета ишлаб чиқиш // Фармацияда таълим, илм ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий анжуман докладлар тезислари. – Тошкент, 2009. – Б. 161.

## РЕЗЮМЕ

диссертации С.У.Алиева на тему: «Рациональное использование лекарственных средств применяемых при йододефицитных заболеваниях» на соискание ученой степени кандидата фармацевтических наук по специальности 15.00.01–Технология лекарств и организация фармацевтического дела

**Ключевые слова:** фармакоэкономика, йододефицитные заболевания, рациональное использование лекарств.

**Объекты исследования:** Республиканский специализированный научно-практический медицинский Центр эндокринологии МЗ РУз, аптечные учреждения г. Ташкент; государственный реестр лекарственных средств и медицинских изделий РУз, оперативно-статистическая отчетность МЗ РУз.

**Цель работы:** разработка на основании фармакоэкономических исследований научно-обоснованных рекомендаций по рациональному использованию лекарственных средств при профилактике и лечении йододефицитных заболеваний.

**Методы исследования:** методы фармакоэкономического анализа (ABC/VEN, DDD, «Стоимость болезни», «Минимизация стоимости» и «Эффективность затрат»), комплекс социологических методов (метод опроса, индивидуального анкетирования, экспертных оценок) и контент-анализ.

**Полученные результаты и их новизна:** Впервые проведена фармакоэкономическая оценка лекарственных средств, применяемых при йододефицитных заболеваниях с использованием анализа «Минимизация стоимости» и «Эффективность затрат». Адаптирована методика проведения анализа «Стоимость болезни» с целью для выявления прямых медицинских затрат для диагностики и лечения.

**Практическая значимость:** Впервые изучена и оценена структура закупа лекарственных средств для больных йододефицитными заболеваниями в условиях лечебно - профилактического учреждения с использованием ABC/VEN-анализа. Впервые проанализировано потребление лекарственных средств согласно АТС/DDD-методологии.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** разработан и представлен на утверждение проект методических рекомендаций в Центр политики лекарственных средств и изделий медицинского назначения МЗ РУз и в клинику РСНПМЦЭ МЗ РУз. Материалы диссертации внедрены и используются в практической работе аптечного учреждения ООО «FLORA-MED». Основные положения работы используются при чтении лекций и проведении занятий на кафедре организации фармацевтического дела Ташкентского фармацевтического института.

**Область применения:** медицинская и фармацевтическая практика.

Фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор С.У.Алиевнинг 15.00.01–Дори технологияси ва фармацевтика ишларини ташкил этиш ихтисослиги бўйича «Йод танқислиги натижасида келиб чиқадиган касалликларда қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕ СИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** фармакоиктисодиёт, йод танқислиги касалликлари, дори воситаларидан оқилона фойдаланиш.

**Тадқиқот объектлари:** ЎзР ССВ Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий эндокринология Маркази, Ташкент шаҳар дорихона муассасалари, ЎзР дори воситалари ва тиббий техника Давлат реестри, оператив-статистик ҳисобот маълумотлари.

**Ишнинг мақсади:** фармакоиктисодий тадқиқотлар асосида йод танқислиги касалликларида қўлланиладиган дори воситаларидан оқилона фойдаланиш учун илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** фармакоиктисодий таҳлил усуллари (ABC/VEN-, DDD-, “Касаллик киймати”, “Ҳаражатлар самарадорлиги” ва “Ҳаражатлар минимизацияси” усуллари), социологик таҳлил усуллари (сўров, индивидуал анкеталаштириш, эксперт таҳлил усуллари) ва контент-таҳлил усули.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Биринчи марта йод танқислигида қўлланиладиган дори воситалари “Ҳаражатлар самарадорлиги” ва “Ҳаражатлар минимизацияси” усулларида фармакоиктисодий баҳоланди. Йод танқислиги касалликларида ташхис қўйиш ва даволаш учун сарфланган бевосита тиббий ҳаражатларни аниқлаш мақсадида “Касаллик киймати” усули мослаштирилди.

**Амалий аҳамияти:** ABC/VEN-таҳлилдан фойдаланиб даволаш профилактика муассасасида йод танқислиги касалликларига чалинган беморларнинг дори воситалари таъминоти тизими ўрганилди ва баҳоланди. АТС/DDD-услугиятига мувофиқ равишда дори воситалари истеъмоли таҳлил қилинди.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Олинган натижалар асосида услубий тавсияномалар лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Дори воситалари ва тиббий буюмлар сиёсати Маркази ҳамда ЎзР ССВ РИИАТЭМ шифохоналарига топширилган. “FLORA-MED” МЧЖ дорихонаси амалиётига татбиқ этилди. “Дори воситаларидан оқилона фойдаланишда ва самарали формулярлар яратишда ABC/VEN-услугиятининг аҳамияти” мавзусидаги ўқув-услубий кўрсатма амалий машғулотларда фойдаланиш учун ўқув жараёнига татбиқ этилди.

**Қўлланиш соҳаси:** тиббиёт ва фармацевтика амалиёти

## RESUME

Thesis of S.U.Aliev on the scientific degree of competition of the candidate of sciences in Pharmacy on speciality 15.00.01–Technology of Drugs and Organization of Pharmaceutical Affairs, subject: “Rational usage of medicines in iodine deficiency disorders”

**Key words:** pharmacoeconomy, iodine deficiency disorders, rational use of medicines.

**Subject of research:** the Republican specialized the scientifically-practical therapeutic Center of endocrinology; drug stores of Tashkent city; the state schedule of medicinal agents and therapeutic articles; Operating-statistical dates from Ministry of Health.

**Purpose of work:** Development on the grounds of pharmacoeconomy the explorations into scientifically of-grounded recommendations as to the rational use of medicines in preventive maintenance and the treatment of iodine deficiency disorders.

**Methods of research:** Methods of pharmacoeconomy (ABC/VEN-analyzing, DDD-analyzing, “Cost of illness”, “Cost-effectiveness”, “Cost-minimization”), associate of marketing and sociological methods (the method of inquiry, individual inquiry, expert estimations and content-analyzing).

**The results obtained and their novelty:** For the first time is carried out pharmacoeconomic valuation of medicinal agents applied in iodine deficiency disorders with the employment of analyzing “Cost-effectiveness” and “Cost-minimization”. Adaptation is carried out to the method “Cost of illness” for the detection of straight therapeutic expenditures for diagnostics and treatment.

**Practical value:** For the first time is studied and evaluated the structure of purchase of medicinal agents for iodine deficiency disorders in circumstances medicinally - of preventive establishment with the employment ABC/VEN-analyzing. For the first the demand of medicinal agents time is analyzed agreeably to ATC/DDD-methodologies.

**Degree of embed and economic effectivity:** It is developed for National Centre of drug and medical tools policy of the Public health ministry of the Republic of Uzbekistan and for clinic of the Republican specialized the scientifically-practical therapeutic Centre of endocrinology the project of methodical. The results obtained are embedding to practical work process in “FLORA-MED” LLC. Dates from thesis are embed on instructional process educationally-methodic pointed «Significance of the methodology ABC/VEN-analyzing in the rational use of medicinal agents and building up efficient formulary system» for the practical holds of the students of faculty of pharmacy as to the item of «Essential problems of pharmacy».

**Field of application:** pharmaceutical practice and medicine.